


КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙИЙ- ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙИЙ-
ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ



Тадбиркорлик жамиятда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта рол ўйнайди. У ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари яратиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг ярмидан ортиғи кичик ва хусусий тадбиркорликка тўғри келади. Демак, тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат ва иқтисодий фаоллигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадларининг ошишига катта ҳисса қўшади. Бу жараённинг икки оқибатини эътиборга олиш лозим: бир томондан, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўсиши, кенгайиши бўлса, иккинчи томондан, уларни тўлароқ қондириш имкониятларининг яратилишидир. Бу пировард натижада аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини оширишни таъминлайди. Тадбиркорликнинг ривожланиши билан унинг мазкур соҳадаги роли ортиб боради.

Тадбиркорларнинг маълум қисми оёққа туриб, янада ривожланиши оқибатида улар мулкдорларга айланадилар. Бу эса жамиятда янгича фикрлайдиган, ҳаракат қиладиган янги авлод-тадбиркорлар, мулкдорлар табақасининг шаклланишига олиб келади. Бундай шахслар давлатнинг ижтимоий таянчи ва иқтисодий тараққиёт манбайи ҳисобланади.